

**ОИЛАВИЙ НИЗОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА
ЙЎНАЛГАНЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК
МУАММО СИФАТИДА**

Гадоева Абера Ҳасановна

*ТИКХММИ МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти
“Ижтимоий-гуманитар фанлар, жисмоний маданият кафедраси катта
ўқитувчиси*

Оила инсонга бахт келтирувчи ва авлодлар давомийлигини таъминловчи макон, жамият бутунлиги ва аҳиллигини кафолатловчи қўрғондир. Оила тинчлиги ва осойишталиги эса жамият барқарорлигининг асосий омили, инсон учун муқаддас маскан, кишилик жамиятининг ижтимоий пойдеворидир.

Дарҳақиқат, оила - ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий мероси равнақини таъминловчи тарбия масканидир. "Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оиласда шаклланган". Бола шаклланишининг илк мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатлари мажмую бўлиб ҳисобланади.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради". Кўриниб турибдики, оиласий ҳаёт масалалари ҳозирги давр фани тадқиқот йўналишининг устувор соҳаларидан бирига айланиб бормоқда.

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази маълумотига кўра, 2018-йил апрель - сентябрь ойларида 18.521 нафар ажрашиш арафасида турган оиласарда турмушнинг бузилишига сабаб сифатида қўйидаги омиллар кўрсатилган:

- ❖ 48,4 фоиз эр-хотин ўртасидаги майший келишмовчиликлар;
- ❖ 17,4 фоиз қайнана, қайната ёки учинчи шахс, умуман бошқаларнинг оила ишига аралашуви;
- ❖ 5,3 фоиз бепуштлик;
- ❖ 6,3 фоиз моддий етишмовчиликлар, турмуш ўртоғининг ишсизлиги ва иқтисодий муаммолар;
- ❖ 5,5 фоиз ичкиликбозлик ва бошқа заарли одатлар оқибати;
- ❖ 3,5 фоиз ички ва ташқи миграция;
- ❖ 11,3 фоиз бошқа турли сабаблар.

Ҳозирги замон оиласарининг ижтимоий муносабатларида оиласий низоларни кимлар иштирок этаётганига кўра уларни қўйидаги асосий турларга ажратиш мумкин:

1. Эр-хотин ўртасидаги низолар;

2. Қайнана-келин ўртасидаги низолар;
3. Қайнана-куёв ўртасидаги низолар;
4. Овсиллар ўртасидаги низолар;
5. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар;
6. Фарзандлар орасидаги низолар.

Албатта, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ҳар қандай оиласда эрхотиннинг ўзаро муносабатларида низоли вазиятларнинг юзага келиши муқаррар. Лекин шу низоларнинг характеристи, уларнинг оқибатларига кўра турли оиласлар ва улардаги оиласий муносабатлар бир-биридан фарқланади. Яъни муваффақиятли оиласлардаги низолар бириктирувчи, муваффақиятсиз оиласлардаги низолар эса ажратувчи хусусиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам психологик адабиётларда низолар шартли равишда бириктирувчи ва ажратувчи низоларга фарқланади. Улар ўзларининг юзага келишига асос бўлган муаммолар, бу муаммоларнинг ҳал этилиши, иштирокчилари, оқибатлари ва бошқаларнинг характеристига кўра бир-биридан фарқланади. Қандай низоларга бириктирувчи низолар дейилади? Бириктирувчи низоларнинг юзага келишига сабаб бўлган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиниши эрва хотиннинг, бутун оиласинг манфаатларига қаратилган бўлади. Агар улар ҳал этилса, бунинг оқибатида оиласинг умумий манфаатларига оид муаммолар ўзечимини топади.

Ажратувчи низолар эрхотин орасидаги меҳрнинг сусайиб, йўқолиб боришига олиб келади. Бу эса ота-она ва фарзандлари орасидаги муносабатларга ҳам салбий таъсир қиласи.



Шу ўринда бир яқин ўртоғимнинг оиласий ҳаётидаги бўлиб ўтган воқеани сиз азиз ватандошларим билан бўлишгим келди, токи бундан ўзимиз ва атроғимиздаги яқин инсонларимиз тўғри холоса чиқариши учун бир дарс бўлса. Аспирантурада ўқиб юрган кезларимизда турли вилоятлардан келган илмий тадқиқотчилар билан дўстлашар эканман, улар орасида Баҳромжон исмли бир йигит ўзининг меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги, шунингдек барчага бирдек гўзал муносабати билан алоҳида ажralиб турарди. Вақт ўтиши билан бирин кетин барчамиз турли мутахассислик йўналишларида номзодлик диссертация ҳимояларини қилдик. Бир куни тўй хабари билан бизни йўқлаб Бухорога келган Баҳромжонни кўриб хурсандчиликдан иккаламиз ўтган умр йўлларимизни эслалиб қишлоқдаги ота-онамларни уйларига йўл олдик. Чунки биз аспирантурани биринчи йилиданоқ оиласий яқин қариндошларга айланиб бўлган, бир-бирилизни яқинларимизга танилиб бўлгандик. Хуллас, Баҳромжон ва Сайёрахонларни тўйлари Тошкент шаҳрининг энг олд тўйхоналарида бўлди ва ҳамма бирдек ҳавас билан баҳтлар тилашди. Йиллар ўтди, улар З нафар фарзандлик бўлиб, пойтахтимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида ишлар эдилар. Кунларнинг бирида Тошкентга

хизмат сафари билан борганимда дўстимнинг оиласидан хабар оламан деб ташриф буюрсам уйда ҳеч ким йўқ, кейин кечки пайт Баҳромжон билан учрашдик, кейин вазиятни тўлиқ айтиб бергач ҳайрон қолдим...Чунки ҳеч бир киши ақлга сиғдира олмайдиган вазият рўй берган. Баҳромжон ҳар доимгидек ишдан келиб не кўз билан кўрсинким, уй бўм-бўш. Шошиб турмуш ўртоғига телефон қилиб бўлган воқеани сўраганда эса, келин энди бирга яшамаслигини, бу фикр дадаси ва акасидан чиққанлиги, сабабини эса тушунтира олмаслигини айтиб йиғлади. Баҳромжонни қайнатаси билан учрашиб, ундан нима учун бундай қилгани сабабини сўраганида “ҳеч қандай сабаб йўқ, қайтиб келма” деган жавобидан бошқа сўз демагани янада жумбоқ. Дўстимнинг оиласи билан аввалдан таниш бўлганим учун онамнинг (Баҳромжонни оналари мени ҳам онамдек бўлиб қолганлари учун она деб мурожаат қилардим ва худди шундай мени онамлар ҳам ўртоғимни ўғлим, у эса онажон дерди) илтимослари билан ҳожи Дўсқобил амаки (Баҳромжонни амакилари) билан келинни уйларига ташриф буюрдик. Дўстимнинг қайнатаси эса ўзбекчилик урфодатларимизни ҳам бир четга суриб қўйиб, ҳатто болаларга деб олган шириналлар ва нонни олмагани майли-ку, эшигидан ҳам йўлатмагани ҳаммасидан ошиб тушди. Биз эса ҳайрон, Баҳромжонни уйига қайтиб келиб воқеани тўғрироқ тушунтиришларини сўраганимизда у ҳам лол эканини айтди. Бир оз муддат ўтиб биз яна такрор бордик, бу сафар уйларига киришга муваффақ бўлдик, аммо бу гал ўртоғимнинг қайнатаси уйининг меҳмонхонасига ўзидан бошқани киритмасдан биз билан гаплашишини, бошқача талаб қилсак ҳозироқ чиқариб ҳайдашини айтганида ҳаммамизни “қўлтиғимиздан тарвузимиз тушди” (бу сафар мен ва ҳожи амакимга қўшилиб Баҳромжонни мактабдаги ўқитган устози ҳам келганди). Шу пайт менга қўнғироқ бўлди, ноқулайликни ўйлаб ташқарига чиққанимда келин ва қуда хола (келинни онаси) жовдирашиб туришарди, гўёки биз нажот қалъаси, келин ва болаларни қайтариб ўз жонажон уйларига олиб кетишимиизга ишонгандек. Саломалик қилиб жиянларни сўраган эдимки, Баҳромжонни қайнатаси келиб уриб-суриб қизи ва хотинини бошқа уйга киритиб, чиқса ўлдириши билан дағ-даға қилиб, менга ва борган меҳмонларга жавоб берди. Кейинчалик аниқ бўлди, Баҳромжонни қайнакаси ичкилик ва бошқа салбий хатти-ҳаракатлари билан анчагина қарздор бўлиб қолган экан, шу туфайли Баҳромжонларга уйларини сотиб беришини, кейинчалик уй олганларича ижарага чиқишлиарини талаб қилган қайнатасини сўзи бажарилмагани унга қаттиқ ботган экан. Шундан сўнг ҳам биз дўстим оиласини сақлаб қолиш йўлида тўхтамадик, дастлаб келинни отасини ишхонасидаги “нуғузли” одамлар, кейин эса маҳалла, хуллас, қариндошлари орасида салгина бўлса ҳам қулоқ тутадиган кишисини эшитсак мурожаат қилдик. Ҳатто Баҳромжон оиласини ва фарзандларини уйига қайтариш учун пешона тери билан меҳнат қилиб топган нексия русумли машинасини берди, барибир фойдаси бўлмади. Қайтанга судга ариза бериб, эр-хотинлик никоҳни бекор қилдириб уйни ҳам тортиб олиш илинжида... Афсус қайнатанинг моддий бойликни ва ноқобил ўғлини муаммолари сабаб бир баҳтли

оилада ўсиб үлғаяётган болаларни ва келинни ҳавас қилгудек оиласидан ажратиб, жамиятдан ажратиб қўйганлигини қандай тушиниш мумкин?

Ёшлигимдан шундай ҳаётий воқеаларни гувоҳи бўлганман-ки, оталар фарзандини (айниқса қизларини) оиласи тинчлиги йўлида камарбаста бўлишгани, ҳатто қизи ва болалари саодати учун номуносиб куёвини ҳам боқиб, ками-кўстини таъминлаганларини кўрганмиз. Шундай тўқчилик замонда ҳаммага ўрнак оилани бузиб, болаларини етим қилаётган бундай баджаҳл оталарга қарата бир гапни айтган бўлардим: ахир бизни аждодларимиз фарзандини баҳти ва камоли, жамиятда соғлом инсонларни вояга етказиш орқали раҳматлар эшишиб келаётган халқмиз, бу бизни буюк қадриятларимиздан-ку. Бир оилани вайрон қилиш, болаларни ота меҳридан жудо қилиш нақадар оғир гуноҳ-ку.

Хулоса чиқаришни ҳар бир ота-она бўлган азиз ватандошларимга қолдираман. Биз кимларни авлоди эканлигимизни үнутмайлик! Сизларга ҳозирги глобаллашаётган мураккаб даврда фарзандларингиз таълим-тарбияси, уларни камолоти йўлида, жамиятда юксак инсонийлик сифатларини шакллантириш-ларингизда яратгандан куч-қувват тилаб қоламан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Акрамова Ф.А., Абдуллаева Р.М. Шарқ мутафаккирларининг оила хусусидаги қарашлари. Т.: 2002, 25 б.
2. Allaberganova, A. F. (2022). KIYIMLARGA NAMLAB-ISITIB ISHLOV BERISHDA SHAKLNI SAQLASH XUSUSIYATINI YAXSHILASH MAQSADIDA ZAMONAVIY PRESSLARNING ISHCHI ORGANLARI KONSTRUKSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH. Scientific Impulse, 1(2), 117-122.
3. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. Т.: 2006. – 142 б.
4. Каримова В.М., Фойибова Н.А. Оилавий муносабатлар психологияси. Т., 2018.
5. Allaberganova, A. F. (2022). Improvement of the Design of Working Bodies of Modern Presses to Increase Shape-Saving Characteristics During Moisture-Heat Treatment of Clothes. Miasto Przyszłości, 28, 17-19.
6. F. Atayeva (2022). KIYIMLARGA NAMLAB-ISITIB ISHLOV BERISHDA SHAKLNI SAQLASH XUSUSIYATINI YAXSHILASH MAQSADIDA ZAMONAVIY PRESSLARNING ISHCHI ORGANLARI KONSTRUKSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH. Science and innovation, 1 (A5), 221-225. doi: 10.5281/zenodo.7050207
7. Йўлдошев М. Оиладаги руҳий муҳит ва унинг тарбияга таъсири. Т.: 2004. 99